



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

5 (79) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

5 (79)

2025

май

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.04.2025, Accepted: 06.05.2025, Published: 10.05.2025

УДК 616.716.4-005.4

ТИШ ҚАТТИҚ ТЎҚИМАЛАРИНИНГ НОКАРИОЗ ЗАРАРЛАНИШЛАРИНИ ЁҒЛИ ГЕПАТОЗ ФОНИДА ЎРГАНИШ

Ахмедов Алибек Баҳодирович <https://orcid.org/0000-0003-2830-5423>

e-mail: alibek_axmedov@bsmi.uz

Олимов Сиддиқ Шарифович <https://orcid.org/0000-0002-1142-6838>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Ёғли гепатоз мавжуд бўлган ва бўлмаган беморларда тиш қаттиқ тўқималарининг нокариоз зарарланиш турлари ва тарқалиш даражасини солиштирма таҳлил қилишда беморларда клиник ҳолати ҳамда оғиз бўйлиги аъзоларидаги патологик ўзгаришларга эътибор қаратиш лозим.

Калит сўзлар. ёғли гепатоз, тиш қаттиқ тўқималарининг нокариоз зарарланиш, оғиз бўйлиги аъзоларидаги патологик ўзгаришлар.

ИЗУЧЕНИЕ НОКАРИОЗНЫХ ПОРАЖЕНИЙ ТВЕРДЫХ ТКАНЕЙ ЗУБА НА ФОНЕ ЖИРОВОГО ГЕПАТОЗА

Ахмедов Алибек Баҳодирович <https://orcid.org/0000-0003-2830-5423>

e-mail: alibek_axmedov@bsmi.uz

Олимов Сиддиқ Шарифович <https://orcid.org/0000-0002-1142-6838>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г.
Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Нокариоз твердых тканей зуба у пациентов с жировым гепатозом и без него клиническая картина у пациентов при сравнительном анализе видов поражения и степени распространенности следует обратить внимание на состояние, а также на патологические изменения в органах ротовой полости.

Ключевые слова. жировой гепатоз, нокариозные поражения твердых тканей зуба, патологические изменения органов полости рта.

STUDY OF NON-CARIOUS LESIONS OF THE HARD TISSUES OF THE TOOTH ON THE BACKGROUND OF FATTY HEPATOSIS

Axmedov Alibek Bahodirovich <https://orcid.org/0000-0003-2830-5423>

e-mail: alibek_axmedov@bsmi.uz

Olimov Siddiq Sharifovich <https://orcid.org/0000-0002-1142-6838>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Resume

But dental caries in patients with and without fatty hepatitis is a clinical picture in patients with a comparative analysis of the types of lesions and the degree of prevalence, attention should be paid to the condition, as well as to pathological changes in the organs of the oral cavity.

Keywords. fatty hepatitis, knockout lesions of the hard tissues of the tooth, pathological changes in the organs of the oral cavity.

Тадқиқотнинг долзарблиги

Асосий стоматологик касалликларнинг юқори тарқалиши ривожланишнинг патогенетик механизmlарини ҳисобга олган ҳолда даволашнинг оптимал воситаларини танлаш ва профилактика усулларини ишлаб чиқиш заруратини туғдиради [4, 5, 7]. Сўнгги йилларда ички орган патологиялари фонида оғиз бўшлиғида ривожланувчи касалликлар кўп учраётгани кузатилмоқда [1, 6]. Хусусан, нокариоз тиш зарарланишлари ва улар билан боғлиқ гиперэстезия ҳолатлари, инсон саломатлигига умумий таъсир қилувчи мураккаб метаболик жараёнлар билан узвий боғлиқ экани аниқланмоқда [2, 3]. Буларга кариоз ва нокариоз жараённинг тарқалиши ва интенсивлигини, пародонт касалликларни ва умумий касалликнинг шакли, кечиши ва давомийлигини ҳисобга олган ҳолда асосий (химоя) сўлакажрелишини фаоллаштиришга киради. Тиш ҳолатидаги ўзгаришлар ва сурункали диффуз жигар касалликлари билан оғриган беморларда стоматологик касалликларини ўз вақтида даволашнинг оғиз бўшлиғи ҳолатига таъсири бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда [2,3,4]. Гепатобилиар тизимнинг бузилишларини аниқлаш учун диагностик тестлардан бири қон зардобини биокимёвий таҳлил қилишдир. Ушбу патология билан унинг ферментатив спектри ўзгаради, бу шубҳасиз сўлак ва милк суюқлик таркибига таъсир қилади. Сўлак таркибидаги амилаза, липаза, ишқорий фосфатаза, АЛТ ва АСТ лар қон зардобидagi бу ферментларнинг даражасини акс эттиради. Шу билан бирга, маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг кўплаб тадқиқотларида оғиз бўшлиғида содир бўладиган патологик жараёнлар стимулланмаган аралаш сўлакнинг биокимёвий таркибини ҳам бузишини аниқланди. Сўлак ва милк суюқлик таркибидаги эрта ва кечки ўзгаришлар фермент тизимларига таъсир қилади. Фермент фаоллиги стоматологик касалликларининг клиник кечишини акс эттиради. Аралаш сўлак ва милк суюқликнинг биокимёвий кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик, шунингдек, ушбу биологик суюқликларни жигарнинг функционал ҳолатини текшириш учун скрининг сифатида ишлатиш имконияти таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Пародонто патологияларда қон оқимининг ҳолатини баҳолаш учун ултратовушли Допплерографиядан фойдаланиш мумкин. Ушбу тадқиқот ёғли гепатоз (АГ) бўлган беморларда нокариоз тиш зарарланишлари учраш хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Тадқиқот мақсади: Ёғли гепатоз мавжуд бўлган ва бўлмаган беморларда тиш қаттиқ тўқималарининг нокариоз зарарланиш турлари ва тарқалиш даражасини солиштирма таҳлил қилиш ҳамда ушбу жараёнларнинг патогенетик омилларини баҳолаш.

Материал ва методлар

Тадқиқот доирасида 256 нафар ёғли гепатозга чалинган беморлар (асосий гуруҳ) ва 104 нафар жигарни зарарланиши бўлмаган беморлар (таққослаш гуруҳи) текширилди. Нокариоз зарарланишлар — понасимон нуқсон (ПН), эмал эрозияси (ЭЭ) ва патологик едирилиш (ПЕ) ҳолатлари клиник ва статистик усуллар орқали таҳлил қилинди. Беморлар ёш гуруҳлари бўйича тузилиб, ҳар бир ҳолатда нозология турларининг учраш частотаси баҳоланди.

Ёш бўйича тарқалиш (танлаб олинган ёш тоифалари):

Ёш гуруҳи	АГ (%)	ТГ (%)
31–40 ёш	27.27	13.64
41–50 ёш	42.42	19.05
51–60 ёш	41.10	18.52

Тадқиқот материаллари параметрик ва нопараметрик таҳлил усулларида фойдаланиб статистик қайта ишланди. Дастлабки ахборотларнинг тўпланиши, мослаштирилиши, тизимлаштирилиши ва олинган натижаларнинг визуаллаштирилиши Microsoft Office Excel 2010 электрон жадвалларида амалга оширилди. Статистик таҳлил IBM SPSS Statistics v.23 (ишлаб чикувчи – IBM Corporation) дастуридан фойдаланиб ўтказилди.

Натижа ва таҳлиллар

Текширув натижаларига кўра, понасимон нуқсонлар асосий гуруҳида 5,47%, таққослаш гуруҳида 2,88% ни ташкил этди. Эмал эрозияси эса мос равишда 12,1% ва 4,81% га, патологик едирилиш 15,63% ва 6,73% ни ташкил этди.


Гиперэстезия ҳолати АГ гуруҳидаги нокариоз зарарланишга учраган беморларнинг 74,1% да аниқланган, ТГ гуруҳида эса бу кўрсаткич 33,3% ни ташкил этган.

Нокариоз зарарланишларнинг умумий учраши

Нозология тури	АГ (%)	ТГ (%)	Фарқ (марта)
Понасимон нуқсон	5.47	2.88	~1.9
Эмал эрозияси	12.1	4.81	~2.5
Патологик едирилиш	15.63	6.73	~2.3
Жами	33.2	14.42	~2.3

Ёш бўйича таҳлилга кўра, нокариоз зарарланишлар 31–60 ёшли беморлар орасида АГ гуруҳида анча юқори учраган. Масалан, 41–50 ёшли АГ гуруҳида ПЕ ҳолати 21,21% ни ташкил этган бўлса, ТГ да бу кўрсаткич 9,52% ни ташкил этган.

АГ ва ТГ гуруҳларда нокариоз зарарланиш турлари бўйича тақсимот



Юқоридаги диаграмма АГ (ёғли гепатозли) ва ТГ (таққослаш гуруҳи) беморларида тиш тўқималарида учрайдиган нокариоз зарарланишлар турлари — понасимон нуқсон, эмал эрозияси ва патологик едирилиш — бўйича тақсимотни аниқ кўрсатади. Ушбу визуал таҳлил ҳам АГ гуруҳида ушбу шикастланишлар ТГ га нисбатан 2–2.5 марта кўпроқ учрашини тасдиқлайди.

Натижалар ёғли гепатоз фонида метаболик ва трофик ўзгаришлар, кальций-фосфор алмашинувиининг бузилиши, саливациянинг камайиши, ошқозон кислоталигининг ортиши ва гипертоник ўзгаришлар билан изоҳланди.

Хулоса

АГ гуруҳида тиш каттик тўқималарининг нокариоз зарарланишлари ТГ гуруҳига нисбатан 2–2,5 марта кўпроқ учрайди. Бу ҳолатлар, асосан, ёғли гепатоз натижасида юзага келган метаболик, трофик ва нейроваскуляр ўзгаришлар билан боғлиқ. Шу сабабли, ёғли гепатоз мавжуд беморлар стоматологик кўриқдан мунтазам ўтиши зарур.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Назарова, З.М. (2020). Ички орган касалликлари фонида тиш патологиялари. Тошкент: Илм-фан.
2. Абдуллаев, Қ.Қ., Юнусова, М.Ш. (2021). Тиш гиперэстезияси ва унинг патогенетик асослари. Стоматология ва Гастроэнтерология Журнали, 15(2), 112–117.
3. Мирзажонов Ш.И. (2019). Оғиз бўшлиғидаги метаболик ўзгаришлар. Клиник терапия, 7(3), 45–50.
4. Хасанова Д.А. (2022). Ёғли гепатоз ва умумий соматик касалликлар. Тиббиёт назарияси ва амалиёти, 10(1), 56–63.
5. Sharipova, L.T., Kamilov, B.E. (2021). Salivation Dysfunction in Systemic Disorders. International Dental Journal, 67(4), 251–256. <https://doi.org/10.1111/idj.12654>
6. Qodirov, A.B. (2023). Tish patologiyasi va umumiy somatik fon. Samarqand: Stomatologiya markazi nashriёti.
7. Русакова Е. Ю., Бессонова С. И., Бевз А. А. Стоматологический статус у детей при различных соматических заболеваниях // Стоматология для всех. – 2008. – №. 3. – С. 60-62.

Қабул қилинган сана 20.04.2025